



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

### МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАСИ АСОСИДА ИШЛАЙДИГАН ҚУРИТГИЧЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ТАХЛИЛИ

Джураев Х. Ф.

Худойназаров Ф. Ж.

Салимов У. X.

Хозирги кунда қүёш иситиш қурилмалари икки турга бўлинади: Паст ҳароратли ва юқори ҳароратли қүёш қурилмалари. Халқ хўжалигига асосан паст ҳароратли қүёш қурилмаларидан кенг фойдаланилади. Паст ҳароратли қүёш қурилмаларига иссиқхоналар, қуритгичлар, сув чучитгичлар, иситгичлар киради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш муаммолари қаторида мева, узум ва сабзавотларни қуритиш ва уларни қуритилган ҳолда сақлаш алоҳида ўрин тутади.

Мева қуритиш бир нечта усувлар билан амалга оширилади:

- 1) ҳаво-қүёш усули;
- 2) ёқилғи билан ишлайдиган қуритгичларда қуритиш усули.

Булардан ташқари инфрақизил нурлари таъсирида қуритиш мавжуд. Гелиоқуритгичларда мева қуритиш қүёш енергияси ҳисобидан амалга оширилади. Маълумки, мева қуритиш мавсуми ёз ойларида айни қүёш енергияси микдори кўп бўлган даврларга тўғри келади. Масалан, географик кенглик  $40^{\circ}$  бўлган ҳудудларда  $1 \text{ m}^2$  тик юзага июнда  $680 \text{ Vt/m}^2$ , юлда  $800 \text{ Vt/m}^2$ , августда  $760 \text{ Vt/m}^2$  енергия тушади.

Гелиоқуритгичлар, ҳаво-қүёш усули (оддий офтобда қуритиш) ва ёқилғи билан ишлайдиган қуритгичларга нисбатан қуйидаги афзалликларга ега:

1) ҳаво-қүёш усулида қуритиш муддати узоқ бўлади, иккинчи томондан маҳсулотлар ифлосланади, ҳашоратларні заарлайди, чанг ўтиради, муҳими айрим меваларда, масалан, олмада С витамин қарийб сақланмайди.

2) ёқилғи билан ишлайдиган қуритгичларда маълум табиий газ, тошкўмир ва бошқа ёқилғилар ёқилади, гелиоқуритгичлардан фойдаланилганда маълум бир микдорда органик ўкув ашёлари тежаб қолинади, иккинчи томондан қүёш енергияси экологик жиҳатидан тоза бўлиб, атроф-муҳитни ифлосламайди.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Гелиоқуригичларнинг характерли томони шундан иборатки, уларда қуритиш режими ( $T$ ,  $\phi$ ,  $V$ ) ўзгарувчан kattaliklarga ега. Иссиклик берувчининг (ички ҳавонинг) температураси қуёш чиқиши билан кўтарила боради ва туш пайтида максимал қийматга еришади, тушдан кейин еса секин-аста пасая боради. Агар гелиоқуригичда иссиқлик аккумулятори жойлаштирилса, кундузи температуранинг максимум қиймати камаяди, кечасида еса иссиқлик аккумулятори ҳисобида температура олдингига нисбатан юқори бўлади. Температура ва нисбий намликнинг суткалик ўзгариши қуйидаги жадвалда келтирилган.

Теплотехник параметрлар	ВАКТ									
	8	10	12	14	16	18	20	22	24	2
$t_t, ^\circ C$	21,1	24,5	31,0	33,5	33,0	29,5	27,0	25,0	23,5	23,0
$t_i, ^\circ C$	36,5	44,0	53,5	56,0	54,5	49,0	45,5	41,0	38,5	36,5
$\varphi_i, \%$	42,0	38,0	32,0	30,5	31,5	53,0	38,0	40,5	41,0	42,5

Bu yerda  $t_t, ^\circ C$  ташqi harorat  $t_i, ^\circ C$  ichki harorat  $\varphi_i, \%$  foydali ish koeffisiyenti Жадвалда ҳаво температураси ва нисбий намлигининг ўзгариши иссиқлик аккумулятори бўлмаган ҳол учун келтирилган.

Гелиоқуригичларда, мева қуритиш кинетикаси ва қуритиш муддати турли хил маҳсулотлар учун турлича, масалан ўрикни қуритиш муддати 5 сутка, олманики 3,5 сутка, анжирники 4 сутка ва ҳоказо. Юқорида келтирилган маҳсулотларни қуритиш технологияси одатдаги усулга ўхшаш бўлади: Аввало сараланади, тозаланади, ўрикка маҳсус ишлов берилади, олма маълум бир қалинликда кесилади, сўнgra тагликларга жойлаштирилиб қуритила бошланади. Тажрибалар кўрсатадики, гелиоқуригичларда қуритилган маҳсулот стандарт талабига жавоб беради.

Шундай қилиб, жанубий ҳудудларда мева, сабзавот, узум ва бошқаларни қуритиш учун қуёш енергиясидан фойдаланиш мумкин. Натижада маълум бир микдорда органик ёқув ашёлари тежалиб, маҳсулот сифати яхшиланади.

а) Гелиоқуригичда олма қуритиш техникаси ва технологияси. Гелиоқуригичларда мева қуритиш техникаси ва технологияси одатдаги



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

қуригичларнига ўхшаш бўлиб, иссиқлик узатувчи (қизиган ҳаво) температураси ва қуритиш муддати билан фарқ қиласди. Гелиоқуригичда қизиган ҳавонинг температураси 80°C гача кўтарилади, 80°C дан ошганда баъзи мевалар қорайиб, айрим витаминларини йўқота бошлайди. Шунинг учун гелиоқуригичларда мева қуритиш техникаси ва технологиясини ўрганиш зарурдир. Маълумки, қуритиш техникаси, қурилмалардаги қуритиш жараёнинг умумий методларини ва қуригичларининг конструксияси, лойиҳалаш масалаларини ўз ичига олади.

Қуритиш технологияси еса, материалларнинг хоссаларини қуритиш обьекти сифатида ўрганиш, шу асосда рационал асосланган қуритиш усулини ва амалга ошириш керак бўлган оптимал режимни танлаш билан характерланади.

Гелиоқуригичлар ҳаво иситгичларга асосланган камерали ва ҳажмий конструксияли турларга бўлинади. Бу қурилмаларда қуритиш конвектив усулларда амалга оширилади.

Ушбу гелиоқуригичда олма қуритилганда куйидаги технологик схемага амал қилинади: олмани йиғиштириб олиш, қуритиш майдонига келтириш, навларга ажратиш ва танлаш, ювиш, кесиш, сулфидлаш, қуритиш, намлигини тенгглаштириш, халталарга жойлаш ва сақлаш.

Ўтказилган тажрибаларда олма қалинликда кесилиб, сулфидлаш учун 1кг мевага 2 грамм олтингугурт сарфланиб, жараён ярим соат давом еттирилади. Радиацион-конвектив усулда қуритилганда ҳавонинг температураси ерталаб 30°C дан туш пайтида 65 °C гача кўтарили, ҳавонинг нисбий намлиги еса 28 % дан 12 % гачани ташкил етади. Жараён бир кун давом етади. Гелиоқуригичда қуритилган олмада С витаминнинг микдори очик ҳавода қуритилгандагига нисбатан 3 марта кўплиги аниқланди. Шундай қилиб, гелиоқуригичларда тўла қуритиш технологик жараёнини амалга ошириш мумкин.

б) қуёш қуригичида сабзавот қуритиш жараёнларини ўрганиш енг муҳим тадқиқотдандир.

- 1) қуёш-ҳаво усули (очик ҳаводаги қисман ёпилган микдор);
- 2) маҳсус камерада (камерадаги ҳаво гелио ҳаво қиздиргичда иситилиб, камерага юборилади);



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

3) “Иссиқ яшик” типида қуёш қурилмасида радиацион усулда қуритиш.  
д) пиёзни қуёш-хаво усулида қуритиш кинетикаси.  
Температура 30 <sup>0</sup> С горизонтал юзага тушадиган қуёш нур энергиясининг зичлиги  $E_r$ , перпендикулар юзага тушадиган нур энергиясини зичлиги  $E_c$ .  
Пиёзнинг солиштирма юкландиган микдори  $m_y=1,9 \text{ kg/m}^2$ .

Қуритиш давомийлиги  $\tau$  билан пиёз солиштирма массаси мұ орасида күйидагича боғланиш бор:

$$m_y = N \cdot \tau$$

бу йерда  $N$  - қуритиш тезлиги,  $\text{kg/m}^2$

Стационар режимда

$$\alpha \cdot E_c = N_T \cdot \tau$$

бу ёрда,  $\alpha$  – пиёз томонидан қуёш нур зичлигини ютиш коеффициенти.  $E_c$  – қуёш нури зичлиги,  $\text{Vt/m}^2$ .  $N_T$  – қуритиш тезлигининг ҳисобланган микдори,  $\tau$  – сувнинг буғ ҳосил бўлиш солиштирма иссиқлик микдори.  $N = N_T$  десак,

$$m_y = \alpha \cdot E_c \cdot \tau / r$$

$$\alpha = 0,7, E_c = 500 \text{ Vt/m}^2 \text{ va } \tau = 4 \text{ soat}$$

$$\text{бўлса, } m_y = 2 \text{ kg/m}^2.$$

е) пиёзни қуритиш тезлиги: Пиёз 3 мм қалинликда ёйилса, унинг таркибидаги сувни буғланиши қуёш нурини ютиши ҳисобидан интенсивлашади. Очик ҳавода  $N_b$  ва ҳисоблаш натижаси  $N_{p-b}$  лардан  $\alpha = 0,8$  келиб чиқади.

Пиёзни қуритиш тезлиги ва сув буғланиши ҳисобида қуритиш кинетикаси

$$N = \Delta m \cdot \dot{h} (S \cdot \Delta \tau)$$

га тенг бўлади.  $\Delta m \cdot \Delta \tau$  – вақт давомида пиёз массасини ўзгариши.  $S (\text{m}^2)$  - пиёз қатлами юзаси.

ф) қуёш лимонариядаги теплофизик жараёнлар. Маълумки, қиши фаслида лимон йетиштириладиган тиник юзаси полетилен плёнка билан қопланган иссиқ хоналарни қиздириш учун  $4 \cdot 10^{10}$  кВт соат енергия ёки  $6,7 \cdot 10^6$  т тош кўмир сарфланади. Аммо тажрибалар қуёш лимонарийсининг тиник юзаси орқали ҳам шунча микдорда қуёш енергияси ўтишини кўрсатади. Ҳозирги пайтда иссиқхона-лимонарийларида қуёш енергиясидан фойдаланиш учун



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

レスパブリカミズニンг жанубий миңтақаларида йетарли имкониятлар мавжуд. Шунга қарамасдан қуёш енергиясидан фойдаланиш коеффициенти 25-30 % ни ташкил етмоқда.

Лимонарийларда қуёш енергиясидан фойдаланиш коеффициенти паст даражада бўлишига асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

Қуёш енергиясининг лимонарий тиник юзаси орқали максимал ўтишининг пастлиги, яъни тиник юза нур ўтказиш коеффициенти ва курилманинг елементларини гелиотехник талабларга жавоб бермаслигидир.

Лимонарий тиник юзасидан ўтган қуёш енергиясини аккумуляциялаш курилмаларининг самарадорлик даражасининг пастлигидир.

Қуёш иссиқхона-лимонарийларни курилиш конструкцияларини жиҳозланиши гелиотехник талабларига жавоб бермаслигидир. Шунинг учун қуёш лимонарийларини ҳозирги замон гелиотехник, теплотехник, физиологик талабларга жавоб берадиган қиши фаслида нормал микроклимат яратишга мослаштирилган конструкцияларини ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал этиш мухимдир. Бу еса қуёш лимонарийсининг иссиқлик сақлагичи конструктив жиҳозларини такомиллаштириш, иссиқлик аккумуляторининг эффектив қурилмаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда қуёш енергиясини иссиқлик енергиясига айлантириш фойдали иш коеффициентини ошириш, технологик жараёнларини ҳал этиш мақсадларида фойдаланиш муаммоларини ҳал этишга қаратилгандир.

Қуёш лимонарийда иссиқлик ва намлик режимларини нормал ҳолатда сақланиши табиий равишда атрофга ўқотиладиган енергия миқдорига боғлиkdir.

Қиши фасли ташки ҳаво ҳарорати 273-268 К ва ундан паст бўлсада, ҳаво очиқ бўлиб, қуёш енергияси кун давомида гелиосисиқхона-лимонарийнинг ҳар 1 m<sup>2</sup> га ўртacha  $Q = 2100 \text{ kJ/m}^2$  соатни миқдорда ўтадиган бўлса, ичкаридаги ҳавонинг ҳарорати иссиқлик аккумулятор ишлаб турганда кундузлари  $T_k = 293-295$  К, кечалари  $T_k = 281-283$  К атрофида сақланар екан. Гелиолимонарий конструкциясини таҳлил қилиб ичкаридаги иссиқликнинг йўқолишини тажриба натижалари ва математик ҳисоблар орқали ўрганилди. Бунда курилманинг тирқишилари - инфильтрация орқали йўқоладиган жами енергиянинг 24,4 %, форточка ва ешикларнинг тирқишилари орқали 7,55 %,



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

юқори нишаб юза орқали 36,8 %, ён томондаги тик тиник юзалар орқали 7,90 %, фундаментлар орқали 2,52 % йўқотилади ҳамда 21 % га яқин енергия лимонарий тупроқ қатламини қиздиришга сарфланади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, лимонарий ичкарисидаги енергиянинг асосий қисми юқори тиник нишаблар ва инфильтрация орқали исроф бўлади. Айниқса, инфильтрация туфайли атрофга йўқотиладиган енергия иссиқхона лимонарий ичидаги умумий енергияни 1□3 қисмини ташкил этади. Бу еса лимонарий қурилиш конструксиясининг камчилиги ва гелиотехник иссиқлик сақлаш талабларига жавоб бермаслигидир.

Лимонарийнинг юқори тиник нишабли ва ён томонлари орқали йўқотиладиган иссиқлик миқдорини камайтириш учун қуёш енергиясини яхши ўтказадиган тиник полиетилен плёнкали композицион материаллар икки қаватли шторлар ёрдамида жойлаштирилди. Натижада тиник юзаси такомиллаштирилган лимонарийни енергия сақлаш ҳажми 20-23 % га ортганилигини тажрибалар асосида аниқланди.

Иссиқхона-лимонарийда кундузи миқдори ҳаво ҳароратини 35-42 °C гача қўтарилади. Бу еса ўз навбатида цитрус ўсимлик ҳисобланган лимон дарахтларини баргини сарғайтиради ва физиологик ривожланишига тўсқинлик қиласи. Ҳаво намлиги еса пасаяди, ўсимлик баргларида бўладиган фотосинтез жараёни бузилади. Шунинг учун лимонарий ичидаги ҳаво ҳароратини ва намлигини нормал сақлаш мақсадида ортиқча ҳажмдаги енергия миқдорини тупроқ ости иссиқлик аккумуляторига тўплаш йўли билан амалга оширилади. Натижада тупроқ ости комбинациялаштирилган иссиқлик аккумуляторига кундузги енергия ҳажмини 28-32 % га тўпланиб кечалари бу енергия ҳисобидан ўсимликни нормал физиологик жиҳатидан ривожланиши учун микроқлим яратилади.

Қишиш ва ерта баҳор ойлари қуёш иссиқхона лимонарийсида микроқлим яратиш мақсадида олиб борилган тажрибалра шуни кўрсатадики, иссиқхона лимонарийни иссиқлик аккумуляторлари ва икки қаватли тиник полиетилен плёнка билан қоплаш мақсадга мувофиқдир.

Қуёш лимонарийси иссиқлик аккумуляторининг тузилиши қўйидагича: узунлиги  $l=5,85$  ва диаметри  $d=0,22$  м бўлган металл симдан (диаметри 8-10 мм) каркас тайёрланади. Бу каркас иссиқхона лимонарий тупроғидан кенгиги

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

0,4 м ва чуқурлиги 0,5 бўлган канал тайёрланиб, унга қора полиетилен плёнка ёйилиб шу каналга туширилади. Бу каркас канал трубага тийиб қолмаслиги учун ҳар 0,6 м масофага баландлиги 10-12 см бўлган таглик таянчлар пайвандланган бўлади.

Қўёш лимонарийсининг шимол томонида електр қиздиргичли сув баки жойлашган. Бу бакдан сувнинг температураси 70-80 °C атрофида бўлиб, ҳажми 2 m<sup>3</sup> бўлган сув ичидан диаметри 100 мм бўлган металл трубали коллектордан вентелятор ёрдамида ичкаридаги лимонарий тиниқ юзасига яқин масофасига жойлашган ҳаво тортувчи трубалар орқали сўриб олинади ва ҳайдалади. Натижада қизиган сув орқали ўтадиган иссиқ ҳаво (28-35 °C) марказий тупроқ ости канали орқали иссиқлик аккумуляторига ҳайдалади.

Кундуз кунлари ичкаридаги ҳаво температураси АБС (Автоматик Бошқариш Системаси) ёрдамида ҳаво ҳарорати 28-30 °C бўлганда електр системасини ажратади ва система қўёш енергиясини аккумуляциялади. Кундуз кунлари қўёш енергияси лимонарий тиниқ юзасидан ўтиб, ҳаво ҳарорати йетарли даража (28-36 °C) га қиздиргач, бу қизиган ҳаво вентелятор ёрдамида ишга туширилиб, бевосита тупроқ ости иссиқлик аккумуляторига ҳайдалади. Натижада кундузги енергия қун давомида иссиқлик аккумулятор атрофида тупроқ ва қайроқ тошларга тўпланиб, кечалари ҳаво ҳамда қуруқ булатли кунларда лимонарий ичидаги ҳаво ҳарорати 15 °C да пасайиши билан АБС вентеляторни ишга туширади. Совиган ҳаво вентелятор ёрдамида комбинациялаштирилган иссиқлик аккумуляторида тўпланган енергия ҳисобига қизийди, ҳамда лимонарий ичига қайтиб чиқади ва ҳароратни нормаллаштиради. Агар булатли ёки совук кунлар сурункали бошланиб кеца, у ҳолда АБС електр сув қиздиргич системасини ишга туширада ва натижада ичкаридаги ҳаво яна бақдаги қизиган сувда жойлашган коллектор орқали ўтиб қизийди, шу ҳисобдан лимонарий ичидаги ҳаво ҳарорати нормаллашиб боради. ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатади, кундуз кунлар ҳаво булатли болганда ҳарорат 23-27 °C атрофида, кечалари esa 8-11°C атрофида, бир қават тиниқ шиша билан қопланган лимонарий ичидаги ҳаво ҳарорати кундузлари 22-24 °C атрофида, кечаси 12-14 °C атрофида тебраниб туради.

Бу ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатади, агар сурункали булатли ва ҳаво совук кунлар давом еса-да, қўшимча қўйилган електр сув қиздириш





## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

системали қурилма аккумулятори орқали лимонарийда микроиқлим шароитини яратишга йетарли таъсир кўрсатар екан. Муҳим томони шундаки, бунда электр сув қиздириш системасини ҳар бир кичик корхона ва бошқа ташкилотларнинг электр сехларига тайёрлаш мумкин. Бундай тупроқ ости иссиқлик аккумуляторларини тайёрлаш учун  $1\text{ m}^2$  ишчи майдонига 16-20 л сув ва 80-120 кг қайроқ тош сарфланади, шунинг учун иссиқлик аккумуляторлар бир неча йиллаб қўшимча таъмирлаш ишларини талаб етмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқаришга (фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар, жамоа хўжаликлари ва ҳ.к) жорий етиладиган комбинациялаштирилган тупроқ ости иссиқлик аккумуляторли қуёш иссиқхона лимонарийсини икки қават (қаватлар ораси 5-7 см ҳаво қатлами масофа қолдириб) полиетилен плёнка билан қоплаш орқали қиши фаслида 30-40 % ёқилғини тежашга ва атроф мухитни экологик жиҳатидан тоза сақлашга ҳамда ўсимлик ҳосилдорлигини 10-12 % оширишга еришилди.

### Фойдаланилган адабийотлар

- 1.Xudoynazarov F.J. Induksion tigel pechlarning fizik asoslari bo'yicha energiya samaradorlikka erishish. "Iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitlarida energetikaning dolzarb muammolari" ilmiy ishlar to'plami Buxoro BMTI. 2022. 484-486-b.
- 2.ХУДОЙНАЗАРОВ Ф.Ж. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЭЛЕКТР ЮРУТМА ИШИННИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili" ga bag'ishlangan to'plam Buxoro BMTI 2022. 121-b.
- 3.Ф. Ж. Худойназаров У.А. Аминов Ўзгармас ток машиналарида исрофларни камайтириш усуллари INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022. 29-34-b.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7411806>
- 4.Худойназаров Ф.Ж. Применение электрических фильтров для очистки хлопка от малых частиц пыли . UNIVERSUM. Москва: 2021. 2(83).С.90-93.  
<https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11231>
- 5.Худойназаров Ф.Ж. Шарипов Ш.Н,Муродов Б.Б. Муродова Б.Б.Энергия тежамкор индукцион тигел печларини иссиқлик режимини автоматик бошқариш .“Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ундан оқилона фойдаланишнинг долзарб муаммолари” мавзуусида республика миқёсида илмий-техникавий анжуман илмий ишлар тўплами. Тошкент: 2020. 202-203 б.

- 6.Худойназаров Ф.Ж. Шарипов Ш.Н. Муродов Б.Б. Индукцион печларни энергия самарадорлигини ошириш чора тадбирлари Замонавий ишлаб чиқаришнинг мухандислик ва технологик муаммоларини инновацион ечимлари. Халқоро илмий анжуман материаллари Бухоро: 2019. 261-262 б.
7. Худойназаров Ф.Ж. Шойимов П. Муродов Б.Б. Музаффаров Ф.Ф. Маккажӯхори уруғини электр усулида саралаш. Фан ва технологиялар тараққиёти. Илмий техникавий журнали, Бухоро: 2021. №1,32-37 б.
- 8.Худойназаров Ф.Ж. Жўраев М.Қ. “Электр машиналари” фани тараққиётининг устувор йўналишлари . ARES academic research in educational sciences SJIF 2021 /11. Р.1184-1185 <https://cyberleninka.ru/article/n/elektr-mashinalari-fani-taraqqiyotining-ustuvor-yo-nalishlari>
9. Худойназаров Ф.Ж. Кўп энергия сарфлайдиган индуксион печларни энергия самарадорлигини ошириш . “Саноат инженериясининг долзарб муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани, материаллари тўплами. Бухоро: 2021. 509-510 б.
10. Худойназаров Ф.Ж. Росабоев А.Т. Шойимов П. Муродов Б.Б. Қишлоқ хўжалик махсулотлари экинлари уруғларини трибоэлектрик қурилмада саралаш. Озиқ-овқат, нефтгаз ва кимё саноатини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ечишнинг инновацион йўллари. Халқоро илмий-амалий анжуман материаллари. 2-том, Бухоро: 2020. 71-74 б.
11. Худойназаров Ф.Ж. Хафизов И.И. Шарипов Ш.Н. Саноат корхоналарида заарли газ ва чанглардан тозаловчи энергия самарадор электр фильтрларни қўллаш (монография) Бухоро: “Бухоро нашр”, 2020.108 б.
12. Худойназаров Ф.Ж. ELEKTR YURITMA ASOSLARI FANIN O`RGANISHNING AMALIY AHAMIYATI «Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya <https://doi.org/10.5281/zenodo.7589718>.
- 13.P Shoyimov, BB Murodov, AA Jo'raqulov, A Sirojov, BB Murodova «Determination of key parameters of seed selector in practice.» International Journal



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

of Advanced Research in ISSN: 2278-6252 Engineering and Applied Sciences Impact Factor: 7.687. <https://garph.co.uk/IJAREAS/Apr2022/G-3.pdf>

14.Parda Shoyimov, Bekhruz Murodov, Khudoyor Xafizov, Barchinoy Murodova “Influence of electric power and other forces on the quality of cotton seeds on the surface of working body” International Scientific Conference “Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering”(CONMECHYDRO-2021) held on April 1-3, 2021 in Tashkent, Uzbekistan E3S Web of Conferences 264, 04010 (2021) CONMECHYDRO–2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126404010>

15.Shoyimov , P., Murodov , B. ., & Jo'raqulov , A. . (2023). Using the new innovative sorting device and saving electrical energy in preparing agricultural crop seeds for planting. Евразийский журнал академических исследований, 3(2 Part 2), 31–35. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10123>

16.Gulnoz Aslanova, Makhbuba Charieva, Solikha Shoyimova, Anvar Sirojov, Shokhruh Pirnazarov “Study of the electrical resistance, electrical strength and angle of separation of rice seeds from the drum surface” International Scientific Conference “Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering”(CONMECHYDRO-2021) held on April 1-3, 2021 in Tashkent, Uzbekistan E3S Web of Conferences 264, 04010 (2021) CONMECHYDRO–2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126404031>

17.Шойимов П., Муродова Б.Б, Муродов Б.Б. “Урұғларни электр усулда сарапаш ва әкишпа тайрлап. “Фан ва технологиялар тараққиёти”, Илмий техникавий журнали, Бухоро: 2022. №6,56-59 б. [https://hemis.bmti.uz/static/uploads/18/453KIfUhBBq\\_SQMMdjBo2RUyksReezh.pdf](https://hemis.bmti.uz/static/uploads/18/453KIfUhBBq_SQMMdjBo2RUyksReezh.pdf)